# ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМГА ДАЪВОГАР

Самариддин оиладаги олти ўғилнинг кенжаси. У Самарқанд вилоятидаги Челак шаҳрида ўсиб улғайган. Тўққизинчи синфни битирган ўсмир йигит Челак шаҳридаги ҳунар-техника билим юртининг автомобиль ҳайдовчиси ва таъмирловчиси факультетига ҳужжат топшириб, ҳунар эгаллашга эрта ҳаракат қилди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилганида эса таъмирловчи ва ҳайдовчилик касбини эгаллаб улгурган эди. У йигитлик бурчини Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртидаги таъмирлаш батальонида ўтади. Эгаллаган касби эса хизматда жуда қўл келди, албатта.

Ҳаракатчан, интизомли, назарий ва амалий машғулотларда сафдошларига ўрнак бўлган йигит тез орада ҳарбий жамоада ўз ўрнига эга бўлиб улгурди. Бўлинма командири вазифасини аъло даражада уддалаётган сержант Самариддин Бекмуродов устоз-командирлар назаридан четда қолмади. Йигитдаги ҳарбий касбга бўлган лаёқат ва интилишни, ҳарбий билим юрти курсанти бўлиш иштиёқини сезган ҳарбий қисм штаб бошлиғи майор Олимжон Занжиров орзу қилган касбига етишиши борасида унга маслаҳат ва кўрсатмалар берди. Келажакда миллий армиямиз сафида офицер бўлиб Ватанига хизмат қилишни ният қилган Самариддин йигитлик бурчини муваффақиятли якунлаб, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг тарбиявий ишлар бўйича офицерлар тайёрлаш бўлимига ҳужжат топширди. Муддатли хизмат давомида ҳам бўш вақти бўлди дегунча, командирларининг кўрсатмаларига амал қилиб, кириш имтиҳонларига пухта тайёрланган йигитга омад кулиб боқди. Курсантлик либоси насиб қилган катта сержант Самариддин Бекмуродов билим юртидаги тўрт йиллик фаолияти давомида гуруҳ командирининг ўринбосари вазифасини бажариш билан бирга замонавий ҳарб илмини, ҳарбий касб сирларини пухта эгаллаб борди. Ҳозирда Самариддин ва унинг сафдошлари билим юртини битириш олдидан давлат имтиҳонларини топширишмоқда. Биз куни кеча ушбу ҳарбий ўқув даргоҳида бўлганимизда, билим юртининг ўқув бўлими катта офицери майор Холмурод Шеров битирувчилар орасида имтиёзли дипломга даъвогарлик қилиб турган йигирма тўрт нафар курсантлар орасида катта сержант С. Бекмуродовнинг борлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Танлаган йўлим, орзу қилган касбимга эришганимдан бахтиёрман, — дейди биз билан суҳбатда Самариддин.— Ҳарбий касбга бўлган меҳрим билим юртида аъло баҳоларга ўқишимга сабабчи бўлди. Ўйлаб кўрсам, мен ҳозир олтин медалга даъвогар бўлиб турган дўстларим сафида ҳам бўлишим мумкин эди. Бироқ ўқишнинг дастлабки йилларидаги бироз бепарволигим, яъни тарих ва математика фанларидан олган иккита тўрт баҳом туфайли бунга муяссар бўла олмадим. Ҳозирда давлат имтиҳонларини фақат аъло баҳоларга топшираяпман ва сўнгги имтиҳонларни ҳам шундай юқори даражада топширишимга ишонаман. Шу билан бирга тўрт йил давомида менга замонавий ҳарб илми ва танлаган касбим сир-синоатларидан билим берган устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Энг асосийси, мен эгаллаган пухта билим Қуролли Кучларимиз ривожига хизматим орқали сингишидан мамнунман.

Бир кам дунё деганларидек, тўққиз фарзанд — олти ўғил ва уч қизни вояга етказган Самариддиннинг ота-оналари Шомурод ака ва Қамархон аялар бу дунёни тарк этишган. Унга доимо ота-оналик меҳрини беришга ҳаракат қилиб турадиган ака-опалари эса Самариддиннинг танлаган йўлидан фахрланишади. Офицерликка йўлланма олиш арафасида — катта йўл бошида турган бу йигитга келажакда эл фахрида бўлиш бахти насиб этишини тилаб қоламиз.

**З. ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

**С ПОЛЕЙ БОЕВОЙ УЧЕБЫ**

# ВОДА—ЭТО ЖИЗНЬ

**Вода в горах есть: от чистейших родников до мощных, темных от вымываемых песка и глины, потоков. Но где гарантия, что расположившийся рядом полевой лагерь выехавших на учение военнослужащих может эту воду использовать без ущерба для здоровья. Гарантия есть, считает командир группы полевого водоснабжения старший лейтенант А. Хусамов. Конечно, после того, как рядом с источником начнут свою работу его подчиненные.**

... Поступила команда, и подразделение старшего лейтенанта Абдувахоба Хусамова приступило к оборудованию пункта полевого водоснабжения на берегу бурной от недавних дождей горной речки. Проведя разведку местности и определив места для размещения техники, установки резиновых резервуаров и мотопомп для подачи воды, саперы без раскачки начали свой нелегкий, требующий больших знаний и хорошо наработанных навыков труд. И вот уже старший механик рядовой Шерали Хаттамов включает первую мотопомпу и подает воду в первый резервуар. В обычных условиях этой воде, чтобы просто отстояться, потребуются не одни сутки. Но саперы добавляют в нее необходимые коагулянты, хлор, и уже через полчаса водитель-моторист рядовой Суннат Таджикулов начинает перекачивать ее второй мотопомпой. Вода проходит через приборы автомобильной фильтровальной станции, где она очищается, дехлорируется и уже совершенно чистой поступает в резервуар для питьевой воды.

Однако саперы не торопятся зачерпнуть кристально чистую воду солдатской кружкой. Нет, теперь черед за лабораторными исследованиями. Только после того, как анализ покажет абсолютную безопасность, можно подгонять водовозы, подставлять солдатские фляги, заливать воду в душевые и умывальники. Всего полтора часа дается саперам на то, чтобы развернуться и подать первые литры годной к употреблению воды. Подчиненные старшего лейтенанта А. Хусамова, хоть и работали в сокращенном составе, в нормативное время уложились.

В учебно-боевой обстановке обеспечение водой осуществляется исходя из минимальных норм ее потребления, но в жарком климате это составляет не менее 15 литров на человека в сутки. Для помывки одного человека в бане требуется до 45 литров воды, стирки белья — более 35 литров на килограмм обмундирования. Суточная потребность для дозаправки систем охлаждения двигателей составляет от 8 до 15 литров на один автомобиль. Исходя из этих расчетов и оборудуется пункт полевого водоснабжения.

А дальше — рутинная, но так необходимая для всех работа по постоянной очистке все новых порций воды для нужд полевого лагеря. Не забывают саперы и о маскировке своей техники, обеспечении ее надежной охраны от нападения «противника». Вода — это жизнь, и то, что в ходе учений имеется возможность не только утолить жажду и приготовить горячую пищу, но и обеспечить нормальные условия по соблюдению гигиенических норм для каждого военнослужащего, есть возможность принять душ после напряженного дня боевой учебы и устроить хорошую баню — это, прежде всего, заслуга подразделения полевого водоснабжения, добросовестно выполняющего свою учебно-боевую задачу.

**Подполковник**
**В. КАЛОШИН.**



**Мўлжалга олувчи оддий аскар Икром Рўзиев (суратда — ўнгда) ёзги ўқув мавсуми машғулотларига кўтаринки кайфиятда киришди. Шу сабабли дастлабки ютуқлар кўзга ташланмоқда. Масалан, у яқинда бўлиб ўтган дала-ўқув машғулотида юксак жанговар шайликка эга эканлигини исботлаб, мўлжалга бехато отди. Бухоролик посбон мавсум давомида касбий маҳоратини оширишга қарор қилган.**

**К. ТЎРАЕВ** суратга олган.

# АРМИЯДАН МИННАТДОРМАН

Аскарлик даври ҳар бир йигит учун воқеаларга бой, ўзлигини англаб, баркамол бўлиб етишадиган давр ҳисобланади. Ўз хизматим давомида мен шунга тўла иқрор бўлдим.

Даставвал, армиянинг қонун-қоидалари ва талабларига кўниколмай бироз қийналдим. Қатъий тартиб-интизом, жисмоний тайёргарлик машқлари ва айниқса, узоқ масофага югуришлардан жуда чўчиган эдим. Кейин билсам, янглишган эканман.

Хизмат муддатимнинг ярми қандай ўтиб кетганини сезмай қолибман. Ўтган вақт ичида ҳарбийлик касбини мукаммал эгаллашга муваффақ бўлдим. Эндиликда ўзимни она-Ватан олдидаги йигитлик бурчини муносиб ўтаётган юрт посбони, деб биламан.

Шунинг учун армиядан миннатдорман. Ва ўз тажрибамни сафимизга келган ёш солдатлар билан ўртоқлашиб, уларга қийинчиликларни енгишда ёрдам бераяпман.

**Оддий аскар А. ДУЛОНОВ.**

# ОРЗУЛАРИНГ УШАЛСИН

Раҳим Узоқов ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ ўзини ҳарбий хизматга пухта тайёрлар, жисмоний тарбия ва чақириққача тайёргарлик фанларига айниқса меҳр қўйиб, қунт билан ўрганарди.

У хизматининг илк кунлариданоқ ўзининг тиришқоқлиги ва қатъиятлилиги билан сафдошларидан ажралиб турди. Ҳарбий ҳаётнинг барча машаққатларини сабот билан енгиб борган Раҳим командирлари ва сафдошлари орасида тез орада обрўга эга бўлди. Натижада командирлари унга ишонч билдириб, кичик сержант унвонини беришди. Кичик командир бўлган Раҳим энди қўл остидаги аскарларга ҳарб илми сир-синоатларини янада атрофлича ўргата бошлади. У қўлга киритган жамики ютуқларида лейтенант А. Шодмонов сингари тажрибали командирларининг хизматларини беқиёс, деб билади. Кичик сержант Раҳим Узоқов муддатли хизмати тугагач ҳам ҳаётини армия билан боғлаш истагида яшамоқда.

**Кичик лейтенант**
**Ҳ. МИРЗАЕВ.**

**У ВОИНОВ-ПОГРАНИЧНИКОВ**

# *СЛУЧАЙ В ПУТИ*

Необычная для наших мест дождливая весна в этом году сбивала с толку людей — с утра вроде бы ясная погода, а к вечеру — ливни.

Начальник пограничного подразделения капитан М. Мамаджанов возвращался после проверки несения службы пограничным нарядом с одной из дальних точек.

Командирский УАЗ натруженно гудел мотором, совершая подъем по горному склону. Вдруг небо быстро затянулось тягучими черными тучами, дождь начал накрапывать мелкими каплями на лобовое стекло.

Вот уже рукой подать до верхней точки дороги, но тут хлынул ливень. Вмиг по склонам потекли мутные потоки, неся грязь, камни и прочий мусор. Рядовой С. Азимов повел машину медленно, соблюдая осторожность в условиях ограниченной видимости. И все же через несколько метров колеса забуксовали: машина наткнулась на небольшой завал, образовавшийся на дороге. Объехать его не было возможности.

— Товарищ капитан! Вы посидите, я сейчас,— сказал водитель и покинул кабину. Видимо, вынужденная остановка не обескуражила его —вот и мотор не заглушил. Взяв лопату, стал расчищать завал возле колес. Офицер тоже вышел помочь. Промокшие и уставшие, наконец они расчистили дорогу для проезда и продолжили путь.

По возвращении командир похвалил водителя и поставил в пример всем воинам подразделения добросовестное отношение к своим служебным обязанностям рядового Санжара Азимова.

**Майор Ш. КАРИМБАЕВ.**

